



**TURKIY FILOLOGIYANING DOLZARB
MASALALARI, NAZARIYA VA
INNOVATSION TA'LIM
TEXNOLOGIYALARI**



**XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA**

MATERIALLARI TO'PLAMI

NUKUS – 2021

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI

AJINIYOZ NOMIDAGI
NUKUS DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

„TURKIY FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI,
NAZARIYA VA INNOVATSION TA‘LIM
TEXNOLOGIYALARI“
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO‘PLAMI

HAMKORLAR:



Alisher Navoiy nomidagi O‘zbek tili va adabiyoti
universiteti hamda Davlat tilidagi ilmiy institut

UDK 811.512/821.0

Turkiy filologiyaning dolzarb masalalari, nazariya va innovatsion ta'lim texnologiyalari: xalqaro konferensiya to'plami (2021-yil 18-oktabr)/O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti. – Nukus, Nukus pedinstituti tipografiyasi, 2021.

To'plamdan o'zbek va turkiy tillarning nazariy masalalariga, shuningdek, o'zbek tilini o'qitishning dolzarb muammolariga bag'ishlangan maqolalar o'rin olgan. Undan mazkur sohalarida ilmiy tadqiqot olib borayotgan olimlar, tadqiqotchilar, magistrant va talabalar foydalanishi mumkin va til nazariyasi hamda o'qish-o'qitish ishlarida ilmiy- amaliy ahamiyat kasb etadi.

Mas'ul muharrir:

Pedagogika fanlari nomzodi,
dotsent Sh.Buranova

Taqrizchilar:

Nukus DPI O'zbek tili kafedrası
dotsenti f.f.d. G.Kurboniyazov
QDU O'zbek tili va adabiyoti kafedrası
dotsenti f.f.n. I.Qurbonboyev

Ajiniyoz nomidagi Nukus DPI O'quv-uslubiy Kengashi tomonidan 2021-yil 8-noyabrdagi 2-sonli qarori bilan nashrga tavsiya qilingan.

© Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti, 2021

Konferensiya nomi / Name of Congress



**TURKIY FILOLOGIYANING
DOLZARB MASALALARI,
NAZARIYA VA INNOVATSION
TA'LIM TEXNOLOGIYALARI**

**CURRENT ISSUES OF TURKISH
PHILOLOGY, THEORY AND
INNOVATIVE EDUCATIONAL
TECHNOLOGIES**

O'tkazish shakli / Type of format



Masofadan, Zoom
platformasi orqali

On-line Zoom
platform

Vaqt va o'ri / Date and Place



2021-yil 18-oktabr,
Nukus, O'zbekiston

October 18, 2021,
Nukus, Uzbekistan

Tashkilot / Organization



Nukus davlat
pedagogika
instituti

Nukus State
Pedagogical
Institute

Mas'ul muharrir / Responsible editor



Dotsent
Sh.M.Buranova

Associate Professor
Sh.M.Buranova

ЁЗУВЧИ ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН

Ахмедова Шоира Нематовна

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси профессори, ф.ф.д.

Email: axxxmedova@ mail.ru.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Омон Мухторнинг адабий-танқидий қарашлари ҳақида фикр юритилган. Адибнинг адабий жараён ҳақидаги мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: танқидий қарашлар, адабий жараён, ёзувчининг адабий ўйлари, роман, танқидчи, эссе.

XX асрнинг 30-йилларида адабий танқидни ривожлантиришга Ойбек, Фафур Гулом, Уйғун, Ҳамид Олимжон ва бошқалар, 40-йилларда эса М.Шайхзода, А.Қахҳор ва бошқалар катта ҳисса қўшиб келдилар. Ҳар бир даврда, бу давр адабиёти, адабий танқиди ривожда мунаққидлар билан бир қаторда адиблар ҳам фаоллик кўрсатиб келганлар. Бу соҳада, айниқса, истеъдодли ўзбек адиблари О.Ёқубов, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев, Омон Мухторларнинг ўрни алоҳида эътиборга молик. Бу адиблар устозлар анъаналарини давом эттириб, бадиий ижод билан бирга адабий жараёнга эътибор билан қараб, адабий танқид ривожига, унинг такомиллигига ўз ҳиссаларини қўшиб келдилар.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати, шоир ва ёзувчи Омон Мухтор ҳам бадиий ижод билан қаторда адабий танқиднинг курашчанлик руҳи, адабиётни юксалтириш жараёнига таъсири, халқимизнинг эстетик диди тарбиялаш борасидаги роли, ижтимоий мавқеини ошириш масалаларига эътибор қаратди. Унинг қатор мақолалари, адабий ўйлари, тақризлари, адабий-танқидий суҳбатлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Омон Мухтор адабий жараён ҳақида фикр юритар экан, ўз даврининг фаол адиби, жонкуяр публицисти сифатида ҳам кўринади. Буни адибнинг “Вақт, замон мезони” деб номланган мақоласида ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари

адиб танқидчилар билан қилган суҳбатларида ҳам адабий жараён, ўзининг ижоди, яратилган асарлари ҳақида китобхонларга кенг маъулмот беради. “Ҳар кимнинг ўз замин, ўз осмони бор...” деб номланган давра суҳбати адабиётшунос Аҳмад Отабой билан олиб борилган. Суҳбат адабиётимиз тарихида яратилган бошқа тур ва жанрлардаги мумтоз намуналар билан қиёслаганда ўзбек насри, шу жумладан, роман жанрининг шаклланиш босқичи ҳақида боради. Омон Мухтор ўзбек насрининг қадимийлиги, ўзбекнинг ўз ривоятлари, эртаклари, дostonларидаги наср намуналари минг йиллик насримиз ҳақида фахрланиб гапиради. Унинг романчилик ҳақидаги қуйидаги фикрларидан танқидчи қиёфасини кўриш мумкин: “Тўнтаришдан кейинги йилларда дунё адабиётидан ўрганган ҳолда Қодирий, Чўлпон, Фитратлар чикди. Уларнинг тафаккур кўлами оламий эди, тўғримасми? Улар умуминсоний муаммоларни қаламга олишга ҳаракат қилишди. Чунончи, “Ўткан кунлар”да фақат тарихни кўрсатиш эмас, фақат оилавий муносабатлардаги мураккабликларни кўрсатиш эмас, балки умуминсоний масалалар биринчи ўринда туради. Инсон қисмати, инсон тафаккури масаласи Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида ҳам баланд туради. Фитратнинг насрий асарлари, “Меърож”, “Қиёмат” ҳикояларини олинг, улардаги қарашларга, қўшилиш, қўшилмаслик мумкин, бу бошқа масала, уларда даврни кўрсатишдан кўра инсон тафаккури кўпроқ акс этган” [О.Мухтор. 2000: 236].

Омон Мухтор ёш ижодкорлар ҳақида фикр юритганда, устозлардан ўрганиш билан бир қаторда, кичиклардан ҳам ўрганганлиги, Асқар Қосим хотирасига бағишлаб ёзган бир шеърида бунга урғу берганлигини таъкидлайди. XX асрнинг 80-йиллари ёшлар насрида янги бир ҳаво, кенгайиш юз берганлиги, шеъриятда бу янгиланишундан ҳам олдинроқ бошланганлигига тўхталади. Ёш ижодкорларнинг Ғарб, кўпроқ Ғарб адабий тажрибаларини ўрганиб, насримизга янгиликлар олиб кела бошлаганини маъқуллайди. Шу билан бирга ҳозирги ёшижодкорлар асарларида Ғарбнинг таъсири кучли экани, бундай асарларнинг айримлари эса ўзбек ёзувчиси ёзгандан кўра, чет тилдан таржима қилинган

ўхшаб туриши, Шарққа хос рух йўқлиги, сўниқроқ, қоронғироқ, жонсизроқ чиққанлигиуни қаноатлантормайди.

Ёзувчининг ижод жараёнининг бориши ҳақидаги мулоҳазалари ҳам эътиборни тортади. Омон Мухтор ёш ҳамкасблари, ижодкорларнинг биздан каттароқ ишлар қилишга қодирлигига ишонади. Бунинг учун фақат чинакам билим, журъат-жасорат, меҳнатдан қўрқмаслик ҳиссини ўзида тарбиялаш керакдеб ҳисоблайди. Ўзимизнинг заминга оёғимизни мустаҳкам қўйган ҳолда юксак мезонлардаги тафаккур билан фикр юритиш зарурлигини таъкидлайди.

Адабиётшунос Й.Солижонов билан қилган суҳбатида ўзбек адабиётига шундай баҳо беради: “Қандай бўлмасин, бизнинг адабиётимиз катта Адабиёт. Жаҳонга кўз-кўз қилса арзийдиган. Адабиётшунос ҳам, ёзувчи ҳам мана шу – буюк Адабиёт, шу Ватан, шу Халқнинг бўй-бастига қараб уларга муносиб иш тутмаслигининг иложи йўқ” [Омон Мухтор. 2011: 270].

Хулоса қилиб айтганда, Омон Мухтор суҳбатлар жараёнида ўзининг билим доираси кенглигини, адабий жараёнга муносабатини яққол намоён қила олганини кўриш мумкин. Шу билан бирга китобхон адибнинг ижод лабораторияси сирларидан, асарларининг ёзилиш жараёнидан ҳам хабардор бўлади.

Омон Мухтор кекса адиб сифатида устозлар анъанасини давом эттириб, бугун ўзбек адабиётида яратилаётган асарларга ҳам эътибор қаратади. Янги ва яхши асар уни қувонтиради. Буни адибнинг қуйидаги мулоҳазаларидан билиш мумкин: “Кейинги йилларда адабиётимиз, унинг бир бўлаги наср жиддий кўтарилиш арафасида турибди, деган тасаввурдаман. Бир томондан, ижодкор ёшлар тарбиясига кўрсатилаётган эътибор, иккинчи томондан, бу кун эълон қилинаётган яхши, таъкидлаб ўтишга лойиқ асарлар тасаввуримни кучайтиради”. У истеъдодли адиб Эркин Аъзамнинг "Шовқин" романи ва ёш адиба Р. Ҳайдарованинг "Жавзо" романига баҳо берар экан, Эркин Аъзамнинг кичик бир ҳолатдан катта бир жаҳоний мазмунга чиқиб бориши, таниқли, тажрибали ёзувчига хос, тор доирадаги кишилар ҳаёти кўзгусида давр ва умуминсоний қадриятларга назар ташлаши, ҳаётнинг ўзи яратган турфа

қиёфалар галереясини тузиши, асар қаҳрамонлари гоҳ йиғиқ, гоҳ паришон ҳолда турли муаммоларга дуч келиб, доимий ҳаракатланиб туришини маъқуллайди. Ёш адибанинг муайян тарихий воқеани аниқ белгилаши, Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин рўй берган парокандалик тасвиридан халқимиз учун доим муҳим бўлган аҳиллик меҳр-оқибат хусусида яхлит маъно келтириб чиқара олгани, иккала асарда ҳам тил ўзбекона, жозибали эканлигидан қувонади.

“Рух бутунлигидан ёзиш маҳорати юзага келади. Маҳоратни эса ижодкорнинг билими, савод даражаси шакллантириб боради. Аслида руҳни ҳам шакллантирадиган шудир”. Адибнинг бундай хулосалари бугунги давр кишисини бир оз бўлса-да, сергаклантиради. Адабиётга кириб келаётган ёшларга сабоқ бўлишдан ташқари адабиётнинг, сўзнинг масъулиятини ҳис этишларида дастурламал бўла олади.

Омон Мухторнинг танқидчи сифатидаги бир фазилати адабий жараёндаги янги тамойилларни сезиб олиши ва улар ҳақида ҳам биринчи бўлиб мулоҳаза юритишга ошиқишидир. “Бир ижодкор сифатида , инсоний хислатларни ўрганган адабиётнинг бу кунги аҳволи, ёзувчи шахси, даражаси, унинг ҳаётдаги ўрни, мавқеига бефарқ қарамайман. Менга ҳар қачонгидан ҳам муҳим туюлади...

Мустақиллик бизнинг юртимизга тўлиқиб-тошиб келди. Одамларимиз тафаккурини кенгайтириб юборди. Биринчи, дунёдан хабардорлик!. Иккинчи, номаълум ўтмиш саҳифаларини кўриш! Учинчи. Ота-боболар суянган дин ва фалсафа илдизлари! Ўзбек адабиёти худди шу ҳаводан нафас ола бошлади...[Омон Мухтор.2011: 185].

Бу ҳозирги кунда Бутун бир жараённи кузатиб, ўрганиб, уни бор бўйи билан таҳлил қилиш жуда мушкул, аммо адибнинг бугунги адабий жараёнда кечаётган янгиликлар ҳақидаги мулоҳазалари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Адиб ўзбек адабиётининг ҳозирги аҳволини ўрганганда унга умуман жаҳон адабиёти тараққиёти даражаси ва мезони билан ёндошади. Шу билан бирга Омон Мухторнинг устозлари Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Абдулла Қодирий,

Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Миртемир ижодлари ҳақидаги кузатишлари ва мақолалари ҳам адабий жараёнда ўзига хос ўрин тутди, адабий танқидчиликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Омон Мухтормустақилликка эришган кунларимизда ҳам адабий жараёни муттасил ва синчковлик билан кузатиб бориб, ўзининг салмоқли тадқиқотларини эълон қилган эди. Айниқса, унинг янгича руҳдаги адабиёт ва унинг ривож, модернизмга муносабати ҳақидаги мақолалари бугунги ёш адиблар ва танқидчиларга ўрнак бўла олади деб ҳисоблаймиз.

Омон Мухторнинг роман, қисса, ҳикояларидан ташқари мақолалари, адабий суҳбатлардаги қарашлари, адабий ўйлари ҳам китобхонлар диққатини торта оладиган даражада ёзилганлиги эътиборлидир.

Адабиётлар:

1. Омон Мухтор. Тўрт томон қибла. – Тошкент. Шарқ НМАК. 2000. 415 б.
2. Омон Мухтор. Узун йўлакдаги икки киши. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. 355 б.
3. Nazarov O'. Romanda badiiy xronotopning o'ziga xosligi. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2014. 138 б.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЗУЛЛИСОНАЙНЛИГИНИ XXI АСРДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Каримов Бахтиёр Раҳманович,

*Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий
ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор*

Алишер Навоий асосан мумтоз туркий тилда ижод қилган бўлса ҳам, у айни вақтда буюк зуллисонайн шоирдир. У Фоний тахаллуси билан форс тилида кўп шеърлар ёзди ва улардан алоҳида асар “Девони Фоний”ни тузди. Ҳозирги замон ўзбек ва тожик, ёки озарбайжон ва форс шеърятларида зуллисонайн шоирлар жуда кам учрайди. XX асрдан бошлаб ва айниқса ҳозирги

Kuanishbaeva S.J. Ch.Aytmatovning “Bo‘tako‘z” asarida fe‘l zamonlarining qo‘llanilishi	293
TURKIY XALQLAR ADABIYOTSHUNOSLIGI	
Quramboyev K. Adabiy aloqalar – adabiy jarayon taraqqiyotining muhim omili	296
Agayeva F.A. Nizâmî Gencevî eserlerinde halk ve hükümdar sorunu	301
Axmedova Sh.N. Yozuvchi va adabiy jarayon	307
Каримов Б.Р. Алишер Навоий зуллисонайнлигини XXI асрда ривожлантириш имкониятлари	311
Гайлыева О.К. Ғарезсизлик дэўири түркий халықлар лирикасында төртлик көркем форма ҳәм олардың типологиясы	316
Нәсәfova K.N. Zülfiyyänin şeirləri azərbaycan dilində	320
Ташанов К.Ю. Бадиий таржима, матн ва мотив-мотивация муносабатлари	324
Матякупов С.Г. Лирикада диалог вазифа ва мақсадга йўналтирилган эстетик восита сифатида	331
Каримов О. Я., Абдуллаев К. А., Нишонова Х. Нурбой Жабборов тадқиқотларида Фурқат ижоди	335
Каримов О., Мамазиёева О. Метафора – шеърятда улугворлик касб этувчи восита (Абдулла Орипов шеърлари мисолида)	341
Кўбаев Қ. Ўтмиш сабоғи – келажак пойдевори	346
Матёқубова Т.Р. Самимий дўстликнинг шоирона тасвири	352
Қурбанбаев И. Дилрабо Мингбоева шеърятда сўз идрок сезгиси омили сифатида	358
Қурбанбаев И. Насрулло шеърятда адабий талқин ўзига хослиги	362
Каримова У.А. Tipik vaziyatlarning qiyesi tahlili	366
Эшонқулова С.И. Шеърятда бадииятнинг турфа жиловлари	369
Умарова М.Ю. Бернард Шоу драмаларида ижтимоий ҳаёт тасвири	375
Алдашева Ш. XX асрнинг 70-90 йиллари ўзбек шеърятда шеърлий туркумлар	381
Ҳамроева О.Ж. Навоийнинг мумтоз поэтикага оид қарашлари (“Мажолис ун-нафоис” асари асосида)	391
Ҳамраев К. XXI аср ўзбек ҳикоячилигининг янгилашиш тамойиллари	396
Тўлибоев Х.Б. Роман поэтикасида полифоник нутқ ифодаси	411
Алламбергенова Н.Г. Назира Матякубованинг образ яратиш маҳорати	417
Қораев Ш. Темурий ҳукмдор Султон Искандарнинг туркий адабий мажлислари ва Мавлоно Ҳайдар Туркигўй	421